



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SOG‘LIQNI SAQLASH VAZIRINING

BUYRUGI

2015 yil “23” DP

№ 345

Toshkent sh.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида” ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2008 йил 8 июлдаги ПҚ-911-сонли Қарори ижросини таъминлаш, Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Қуйидагилар:

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг одам савдосига қарши курашиш бўйича таҳлилий ишчи гуруҳи таркиби 1- иловага мувофиқ;

Узоқ муддат хорижий давлатларда бўлиб келган, депортация қилинган ва одам савдосидан жабрланган шахсларга тиббий ёрдамни ташкил қилиш, диспансер назоратига олиш ва кейинчалик тиббий хизмат кўрсатиш тартиби 2- иловага мувофиқ;

Узоқ муддат хорижий давлатларда бўлиб келган, депортация қилинган ва одам савдосидан жабрланган шахсларнинг тиббий кўриги тўғрисидаги маълумотлар электрон базаси шакли 3- иловага мувофиқ;

Одам савдосига қарши курашиш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисобот шакли 4- иловага мувофиқ;

Одам савдосига қарши курашиш борасида амалга оширилган тарғибот тадбирлари тўғрисида ҳисобот шакли 5-иловага мувофиқ;

Одам савдосига қарши курашиш бўйича ҳудудий таҳлилий ишчи гуруҳи томонидан амалга ошириладиган вазифалар 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари:

ҳудудий Идоралараро комиссияларнинг аъзоси сифатида соғлиқни сақлаш тизимида одам савдосига қарши курашиш бўйича биринчи раҳбар ходимларнинг шахсан масъуллигини белгиласин;

003538

одам савдосига қарши курашиш бўйича таҳлилий ишчи гуруҳи ташкил этсин ва юклатилган вазифаларнинг бажарилиши юзасидан қатъий назорат ўрнатсин;

узоқ муддат хорижий давлатларда бўлиб келган, депортация қилинган ва одам савдосидан жабрланган шахсларнинг тиббий кўригини ташкил этсин;

тиббий кўрик жараёнида касаллик аниқланганда, касаллиги бўйича амбулатор, зарурат бўлганда стационар соғломлаштириш ишларини амалга оширсин;

узоқ муддат хорижий давлатларда бўлиб келган, депортация қилинган ва одам савдосидан жабрланган шахсларнинг тиббий ёрдамни ташкил қилиш, диспансер назоратига олиш ва кейинчалик тиббий хизмат кўрсатишни 2-иловага мувофиқ амалга оширсин;

“одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича Республика реабилитация маркази”га юборилиши режалаштирилган шахсларнинг бирламчи тиббий кўриги тўлиқ ўтказилишини таъминласин;

одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича Республика реабилитация маркази томонидан тақдим этиладиган рўйхат асосида марказда соғломлаштирилиб, яшаш жойига юборилган ҳар бир шахс диспансер назоратига олиниб, режа асосида соғломлаштирилишини амалга оширсин;

одам савдосига қарши курашиш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисоботни 4-иловага мувофиқ ҳар ойнинг якуни бўйича кейинги ойнинг 5-санасига қадар ҳудудий ички ишлар идораларидан олинган рўйхат билан солиштирилган ва тасдиқланган ҳолда вазирликнинг таҳлилий ишчи гуруҳига тақдим этсин.

3. Республика саломатлик ва тиббий статистика институти директори З.Ж.Муталова:

аҳоли ўртасида одам савдоси, унинг инсон саломатлиги ва ҳаётига таҳдид солиши, тиббий, руҳий, ижтимоий асоратлари ҳамда унинг олдини олиш, уларни тиббий кўриқка жалб қилиш мавзуларида тарғибот-ташвиқот ишларини амалга оширсин;

одам савдосига қарши курашишни тарғибот қилиш юзасидан амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумотни ҳар ойнинг якуни бўйича кейинги ойнинг 5-санасига қадар вазирликнинг таҳлилий ишчи гуруҳига 5-иловага мувофиқ тақдим этсин.

4. РИ Фтизиатрия ва пульманология ИАТМ (М.Н.Тиллашайхов), РИ Дерматология ва венерология ИАТМ (У.Собиров), Республика ОИТСга қарши курашиш маркази (Н.С.Атабеков) директорларига 2-иловага мувофиқ Республика бўйича одам савдосига қарши курашиш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисоботнинг тегишли қисми вилоятлар кесимида тўлдирилиб, ҳар ойнинг якуни бўйича кейинги ойнинг 5-санасига қадар вазирликнинг таҳлилий ишчи гуруҳига тақдим этиш топширилсин.

5. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг одам савдосига қарши курашиш бўйича таҳлилий ишчи гуруҳи:

соғлиқни сақлаш тизимидаги ҳудудий одам савдосига қарши курашиш бўйича таҳлилий ишчи гуруҳлари устидан назорат ўрнатсин;

ҳар ойнинг якуни бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг одам савдосига қарши курашиш бўйича таҳлилий ишчи гуруҳига тақдим этилган маълумот ва ҳисоботларни умумлаштирсин ҳамда таҳлил этсин;

таҳлил қилинган маълумотлар асосида аниқланган камчиликлар ва муаммоларни бартараф этиш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқсин;

умумлаштирилиб, таҳлил этилган маълумотлар ва таҳлилий ишчи гуруҳ томонидан амалга оширилган тадбирлар асосида, ҳар чорак якунида, маълумот тайёрлаб одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссиясининг доимий фаолият кўрсатувчи таҳлилий ишчи гуруҳига тақдим этсин.

6.Ушбу буйруқ чиқарилиши муносабати билан вазирликнинг 2010 йил 3 ноябрдаги 311-сонли, 2011 йил 13 апрелдаги 110-сонли ва 2013 йил 11 февралдаги 36-сонли буйруқлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7.Ушбу буйруқнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Вазир



А.Алимов

**Соғлиқни сақлаш вазирлигининг одам савдосига қарши курашиш
бўйича доимий фаолият кўрсатувчи тахлилий ишчи гуруҳи
таркиби**

1. А.А.Худаяров - Вазирнинг биринчи ўринбосари, раис
2. А.М.Хусанов - ДПЁТББ бошлиғи в.б., раис ўринбосари
3. Р.И.Мухаммадиев - Юридик хизмат бошлиғи
4. Ё.Р.Файзуллаев - ИваМБТББ бошлиғи ўринбосари
5. Ф.Ч.Санаев - ССВнинг матбуот котиби
6. З.Ж.Муталова - Саломатлик ва тиббий статистика институти
директори
7. И.Соатова - “Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш” рўзномаси
бош муҳаррир ўринбосари

**Узоқ муддат хорижий давлатларда бўлиб келган, депортация қилинган ва одам савдосидан жабрланган шахсларга тиббий ёрдамни ташкил қилиш, диспансер назоратига олиш ва кейинчалик тиббий хизмат кўрсатиш механизми тўғрисидаги
Йўриқнома**

Мазкур йўриқнома ҳар хил юқумли касалликлар тарқалишини олдини олиш мақсадида узоқ муддат хорижий давлатларда бўлиб келган, депортация қилинган ва одам савдосидан жабрланган шахсларга тиббий ёрдамни ташкил қилиш, диспансер назоратига олиш ва кейинчалик тиббий хизмат кўрсатиш механизмини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Узоқ муддат хорижий давлатларда бўлиб келган, депортация қилинган ва одам савдосидан жабрланган шахслар бу Ички ишлар идораларидан рўйхатдан ўтган ҳамда узоқ муддат хорижий давлатларда бўлиб келган, депортация қилинган ва одам савдосидан жабрланган шахслар ҳисобланади.

2. Ҳар хил юқумли касалликлар тарқалишини олдини олиш мақсадида узоқ муддат хорижий давлатларда бўлиб келган, депортация қилинган ва одам савдосидан жабрланган шахсларга тиббий ёрдамни ташкил қилиш, диспансер назоратига олиш ва кейинчалик тиббий хизмат кўрсатиш ишлари амалга оширилади.

3. Узоқ муддат хорижий давлатларда бўлиб келган, депортация қилинган ва одам савдосидан жабрланган шахсларга тиббий ёрдамни ташкил қилиш, диспансер назоратига олиш ва кейинчалик тиббий хизмат кўрсатиш ишлари уларнинг ҳудудий даволаш-профилактика муассасаси (туманларда поликлиника, қишлоқ врачлик пункти, туман (шаҳар) миқёсидаги диспансерлар, тиббий муассасалар ва тиббиёт бирлашмаси) томонидан ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

II. Узоқ муддат хорижий давлатларда бўлиб келган, депортация қилинган ва одам савдосидан жабрланган шахсларга тиббий ёрдамни ташкил қилиш

4. Узоқ муддат хорижий давлатларда бўлиб келган, депортация қилинган ва одам савдосидан жабрланган шахсларга тиббий ёрдам ўзларининг яшаш ҳудудидаги даволаш-профилактика муассасаси томонидан амалга оширилади.

5. Узоқ муддат хорижий давлатларда бўлиб келган, депортация қилинган ва одам савдосидан жабрланган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш жараёнида улар тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилади. Тиббий кўрик умумий амалиёт шифокори томонидан амалга оширилади

6. Узоқ муддат хорижий давлатларда бўлиб келган, депортация қилинган ва одам савдосидан жабрланган шахсларнинг тиббий кўриклари жараёнида амалга ошириладиган клиник лаборатор ва инструментал текширувлар **иловага** мувофиқ рўйхат асосида амалга оширилади.

7. Узоқ муддат хорижий давлатларда бўлиб келган, депортация қилинган ва одам савдосидан жабрланган шахсларнинг тиббий кўриклари давомида касаллик белгилари аниқланиб, ихтисосликлар бўйича мутахассислар кўригига зарурат бўлганда туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникасига йўлланма берилади ва туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникасида тор мутахассис кўригидан ўтказилади.

8. Узоқ муддат хорижий давлатларда бўлиб келган, депортация қилинган ва одам савдосидан жабрланган шахсларнинг тиббий кўриклари давомида клиник лаборатор текширувлар ҳудудий даволаш-профилактика муассасасида амалга оширилади, яъни умумий қон, пешоб таҳлили ушбу муассасада текширилувчи шахсдан олинади ва текширилади, балғам, RW ва ОИВга текширувлар ҳудудий даволаш-профилактика муассасасида олинади ва ушбу текширувлар амалга ошириладиган муассаса лабораториясида текширилади.

9. Узоқ муддат хорижий давлатларда бўлиб келган, депортация қилинган ва одам савдосидан жабрланган шахсларни ОИВ инфекциясига тиббий текширув ҳудудий даволаш-профилактика муассасаларининг ОИТС диагностика лабораторияларида амалга оширилади.

10. Узоқ муддат хорижий давлатларда бўлиб келган, депортация қилинган ва одам савдосидан жабрланган шахсларни ОИВ инфекциясига тиббий текширув ва ОИВ инфекциясини юқтириб олган шахсларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам ихтиёрий ва конфиденциал равишда олиб борилади.

11. Узоқ муддат хорижий давлатларда бўлиб келган, депортация қилинган ва одам савдосидан жабрланган шахс ОИВ инфекциясига текширилаётганда амалдаги соҳага оид ҳужжатларда белгиланган тестгача ва тестдан кейинги малакали маслаҳат (консультация) берилиши шарт.

12. ОИВ инфекцияси аниқланган узоқ муддат хорижий давлатларда бўлиб келган, депортация қилинган ва одам савдосидан жабрланган шахс ОИТСга қарши кураш маркази инфекционисти (педиатр инфекционисти) ва яшаш

манзилидаги юқумли касалликлар кабинети инфекционисти томонидан тестдан кейинги маслаҳат ўтказилади. ОИВ инфекциясини юқтириб олган шахсга унинг қонуний ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тушунтирилади.

13. Тиббий кўриклар жараёнида фуқарода касалликлар аниқланса, аниқланган касаллигига кўра даво чоралари кўрилади, шошилиш ҳолатларда тезкор тиббий ёрдам кўрсатилади.

14. Узоқ муддат хорижий давлатларда бўлиб келган, депортация қилинган ва одам савдосидан жабрланган шахсларнинг тиббий кўриклари жараёнида аниқланган касаллиги бўйича ҳудудий даволаш-профилактика муассасаси томонидан даволаш имконияти бўлмаганда, туман (шаҳар) кўп тармоқли поликлиникасига юборилади. Юборилган бемор тегишли мутахассислар томонидан кўрилади ва аниқланган касаллигига мос даволаш чоралари кўрилади. Зарурат бўлганда беморга стационарда даволаниш учун шифохонага йўлланма берилади.

15. Узоқ муддат хорижий давлатларда бўлиб келган, депортация қилинган ва одам савдосидан жабрланган шахсларнинг тиббий кўригида аниқланган касаллиги бўйича стационар даволанишга кўрсатма бўлса ҳудудий даволаш-профилактика муассасаси ёки туман (шаҳар) кўп тармоқли поликлиникасининг йўлланмаси билан шифохонага қабул қилинади ҳамда стационар даволаш амалга оширилади.

16. Узоқ муддат хорижий давлатларда бўлиб келган, депортация қилинган ва одам савдосидан жабрланган шахслар шошилиш тиббий ёрдамга муҳтож ҳолатда даволаш-профилактика муассасасига мурожаат қилганда, қайси тиббий муассаса бўлишидан қатъий назар шошилиш тиббий ёрдам кўрсатади ва тегишли тиббий муассасага мурожаат қилиши тўғрисида кўрсатма беради.

17. Узоқ муддат хорижий давлатларда бўлиб келган, депортация қилинган ва одам савдосидан жабрланган шахсларнинг тиббий кўригида аниқланган касаллиги бўйича зарурат бўлганда Ички ишлар идораси билан ҳамкорликда Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича Республика реабилитация марказига юбориш чораларини кўради.

Ш. Узоқ муддат хорижий давлатларда бўлиб келган, депортация қилинган ва одам савдосидан жабрланган шахсларни диспансер назоратига олиш ва кейинчалик тиббий хизмат кўрсатиш ишларини ташкил қилиш

18. Узоқ муддат хорижий давлатларда бўлиб келган, депортация қилинган ва одам савдосидан жабрланган шахсларнинг тиббий кўриги давомида касаллик

белгилари аниқланмаса, унинг соғлом эканлиги тасдиқланган ҳолларда умумий тартибда назоратда бўлиб, диспансер назоратига олинмайди.

19. Узоқ муддат хорижий давлатларда бўлиб келган, депортация қилинган ва одам савдосидан жабрланган шахсларнинг тиббий кўриги давомида касаллик аниқланиб, амбулатор ёки стационар шароитида даволанган ёки реабилитация курсини олган фуқаролар ўзларининг яшаш манзилларида диспансер назоратига олинади.

20. Узоқ муддат хорижий давлатларда бўлиб келган, депортация қилинган ва одам савдосидан жабрланган шахслар диспансер назоратига олингандан сўнг мавжуд касаллиги бўйича белгиланган муддатларда шифокор қабулида бўлади, шифокор томонидан кўриқдан ўтказилиб керакли тавсиялар бериб борилади.

21. Диспансер назоратига олинган узоқ муддат хорижий давлатларда бўлиб келган, депортация қилинган ва одам савдосидан жабрланган шахслар шифокор кўригидан ўтиши давомида касаллик белгиларининг ривожланганлиги кузатилса амбулатор шароитда, кўрсатма бўлганда стационар шароитда даволаш чоралари амалга оширилади.

22. Диспансер назоратига олинган узоқ муддат хорижий давлатларда бўлиб келган, депортация қилинган ва одам савдосидан жабрланган шахслар шифокор кўригидан ўтгандан сўнг тавсия берилиши билан бирга кейинги марта қабулга келиши муддати беморга айтилади ва бу сана тиббий картага қайд этилади.

23. Узоқ муддат хорижий давлатларда бўлиб келган, депортация қилинган ва одам савдосидан жабрланган шахсларга кейинчалик тиббий хизматни ташкил қилиш ишлари 21-бандга мувофиқ амалга оширилади.

24. Ҳар хил юқумли касалликлар, жинсий йўллар орқали юқувчи касалликлар ва ОИВ инфекцияси аниқланган Узоқ муддат хорижий давлатларда бўлиб келган, депортация қилинган ва одам савдосидан жабрланган шахслар ҳудудий даволаш-профилактика муассасасида диспансер назоратига олиниши билан бир қаторда туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмасидаги тегишли ихтисосликдаги тор мутахассис томонидан ҳам рўйхатга олинади ҳамда диспансер назорати олиб борилади.

25. Диспансер назоратига олинган Узоқ муддат хорижий давлатларда бўлиб келган, депортация қилинган ва одам савдосидан жабрланган шахслар назоратга олинган касаллиги бўйича тўлиқ соғломлаштирилгандан сўнг белгиланган муддатларда диспансер назоратидан чиқарилади.

Узоқ муддат хорижий давлатларда бўлиб келган, депортация қилинган ва одам савдосидан жабрланган шахсларга тиббий ёрдамни ташкил қилиш, диспансер назоратига олиш ва кейинчалик тиббий хизмат кўрсатиш механизми тўғрисидаги Йўриқномага
илова

Узоқ муддат хорижий давлатларда бўлиб келган, депортация қилинган ва одам савдосидан жабрланган шахсларнинг тиббий кўриклари жараёнида амалга ошириладиган клиник лаборатор ва инструментал текширувлар рўйхати

1. Умумий қон таҳлили.
2. Умумий пешоб таҳлили.
3. RWга қон таҳлили.
4. ОИВга қон таҳлили.
5. Балғам таҳлили

Касаллик белгилари аниқланганда ёки шубҳа бўлганда амалга ошириладиган текширувлар

6. Ташҳисни тасдиқлашга қаратилган биохимик қон таҳлили.
7. Ташҳисни тасдиқлашга қаратилган биохимик пешоб таҳлили.
8. Кўкрак қафасининг флюорографик (скопик) текшируви
9. Зарурат бўлган бошқа текширувлар.

Узоқ муддат хорижий давлатларда бўлиб келган, депортация қилинган ва одам савдосидан жабрланган шахсларнинг тиббий кўриги тўғрисидаги электрон рўйхати шакли (Жадвал “Excel” форматда тайёрланади)

№	Фамилия	Исми	Шарифи	манзил			Чет элдан қайтган сана (йил. ой. кун)	Тиббий кўриқдан ўтган сана	Мутахассис кўриги санаси	Умумий лаборатор текширувлар санаси	Балғам ёки Рентген, флюорография текшируви санаси	RW текшируви санаси	ОИВга текширув санаси	тапхис
				Туман (шаҳар)	ҚФЙ, МФЙ, Микро туман, қургон, б.	Маҳалла, қишлоқ кўча, уй, хонадон								
1														
.														

Изоҳ: Узоқ муддат хорижий давлатларда бўлиб келган, депортация қилинган ва одам савдосидан жабрланган шахслар алоҳида жадвалда юритилади. Электрон руйхат туман (шаҳар) миқёсида тиббиёт бирлашмаларига ташкил қилинади.

**Одам савдосига қарши курашиш бўйича амалга оширилган ишлар
 тўғрисида ҳисобот шакли**

№	Тадбир номи		Худуд бўйича	худудлар			
				шаҳарлар	...	туманлар	
1	Одам савдосидан жабрланганлар сони	Тадбир бошидан					
2		Йил бошидан					
3	Тиббий кўриқдан ўтказилганлар сони	Тадбир бошидан					
4		Йил бошидан					
5	Касаллик аниқланганлар сони	Тадбир бошидан					
6		Йил бошидан					
7	Соғломлаштириш	Тадбир бошидан	амбулатор				
8			стационар				
9		Йил бошидан	амбулатор				
10			стационар				
11	Республика реабилитация марказига юборилганлар (йил бошидан)						
12	Реабилитация марказидан қайтганлардан назоратга олинганлар						
13	Узоқ муддат хорижий давлатларда бўлиб қайтганлар сони	Тадбир бошидан					
14		Йил бошидан					
15	Тиббий кўриқдан ўтказилганлар сони	Тадбир бошидан					
16		Йил бошидан					
17	Касаллик аниқланганлар сони	Тадбир бошидан					
18		Йил бошидан					
19	Соғломлаштириш	Тадбир бошидан	амбулатор				
20			стационар				
21		Йил бошидан	амбулатор				
22			стационар				
23	Чет давлатлардан депортация қилинганлар сони (йил бошидан)						
24	Тиббий кўриқдан ўтказилганлар сони						
25	Касаллик аниқланганлар сони						
26	Соғломлаштириш		амбулатор				
27			стационар				
28	Худудда умумий аниқланган бирламчи сил касаллиги (йил бошидан)						
29	Шундан чет давлатларда касалланиб келганлар сони						
30	Балғам таҳлили ўтказилганлар сони	Чет элда бўлиб қайтган					
31		Одам савдосидан жабрланган					
32		Депортация қилинган					

33	Текширувда сил касаллиги аниқланганлар сони	Чет элда бўлиб қайтган								
34		Одам савдосидан жабрланган								
35		Депортация қилинган								
36	Худудда умумий аниқланган таносил касалликлари (йил бошидан)	захм	аёл							
37			эркак							
38		сузак	аёл							
39			эркак							
40	Чет давлатларда касалланиб келганлар сони	захм	аёл							
41			эркак							
42		сузак	аёл							
43			эркак							
44	RW текшируви ўтказилганлар сони	Чет элда бўлиб қайтган	аёл							
45			эркак							
46		Одам савдосидан жабрланган	аёл							
47			эркак							
48		Депортация қилинган	аёл							
49			эркак							
50		Текширувда мусбат натижа аниқланганлар сони	Чет элда бўлиб қайтган	аёл						
51				эркак						
52	Одам савдосидан жабрланган		аёл							
53			эркак							
54	Депортация қилинган		аёл							
55			эркак							
56	Худудда ОИВ инфекцияси аниқланганларнинг умумий сони (йил бошидан)		аёл							
57			эркак							
58	Чет элда касаллик аниқланиб келганлар сони		аёл							
59			эркак							
60	ОИВ инфекциясига текширилганлар сони	Чет элда бўлиб қайтган	аёл							
61			эркак							
62		Одам савдосидан жабрланган	аёл							
63			эркак							
64		Депортация қилинган	аёл							
65			эркак							
66	Текширувда ОИВ инфекцияси аниқланганлар сони	Чет элда бўлиб қайтган	аёл							
67			эркак							
68		Одам савдосидан жабрланган	аёл							
69			эркак							
70		Депортация қилинган	аёл							
71			эркак							

Изох: Жадвалдаги “Тадбир бошидан” қатори – шу вақтгача амалга оширилган ишлар ретроспектив таҳлил қилиш йўли билан аниқланади ва ўсиб бориш тартибида давом эттирилади.

Одам савдосига қарши курашиш бўйича ҳудудий таҳлилий ишчи гуруҳи томонидан амалга ошириладиган вазифалар

Туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларидаги ва тегишли вилоят муассасаларидаги одам савдосига қарши курашиш бўйича масъул бўлган ходимлар билан доимий алоқада бўлади, доимий маълумот алмашинув тизимини ташкил қилади.

Туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларида ва тегишли вилоят муассасаларида одам савдосига қарши курашиш бўйича ишлар тўлиқ амалга оширилиши устидан назорат ўрнатади.

Одам савдосига қарши курашишга тегишли ҳужжатларни (Буйруқ, Қарор, хатлар ва б.) туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларига ва тегишли вилоят муассасаларига ўз вақтида кечиктирмасдан етказилишини таъминлайди.

Туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларидан ва тегишли вилоят муассасаларидан одам савдосига қарши курашиш бўйича маълумотларни (ойлик ҳисоботлар, маълумотлар ва б.) ўз вақтида таҳлилий ишчи гуруҳига тақдим этилиши устидан доимий назорат ўрнатади.

Туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларидан ва тегишли вилоят муассасаларидан олинган ойлик ҳисоботларни умумлаштиради. Умумлаштирилган маълумотни вилоят ички ишлар бошқармасидаги одам савдосига қарши курашиш бўйича масъул ходимидаги маълумотлар билан солиштиради ва тасдиқлатиб олади.

Ички ишлар идораси билан солиштириб, тасдиқланган маълумотни ва буйруқ билан белгиланган бошқа маълумотларни белгиланган муддатдан кечиктирмасдан ССВ таҳлилий ишчи гуруҳига тақдим этади.

Туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларидан ёки вилоят муассасаларидан, ички ишлар идорасидан олинган маълумот асосида зарурат бўлган фуқарони “Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича Республика реабилитация маркази”га ички ишлар идораси билан ҳамкорликда юборилишини ташкил қилади. (Фуқаро Республика реабилитация марказига юборилишидан олдин тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказиш ишлари амалга оширилиши лозим.)

“Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича Республика реабилитация маркази”дан олинган маълумот асосида марказда соғломлаштирилиб ўзининг яшаш манзилига юборилган фуқаролар яшаш жойида қайта тиббий кўрикдан ўтказиш, диспансер назоратига олиш ишларини ташкил қилади ва унинг устидан назорат қилади.

Ҳудудий таҳлилий ишчи гуруҳ ўзининг иш режасига мувофиқ туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари ва тегишли вилоят муассасаларида жойида ўрганиш ва мониторинг ишларини ташкил қилади ва аниқланган камчиликлар бўйича амалий ёрдам кўрсатади, ўз ишига нисбатан суствашликларга йўл қуйган ходимларга нисбатан чоралар кўради.

Ҳудудда юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш бўйича чоралар кўради, ўз ваколати доирасида ҳал этилмаган муаммоларни ва муаммони бартараф этиш бўйича таклифларни вазирликнинг таҳлилий ишчи гуруҳига тақдим этади.

Одам савдосига қарши курашиш бўйича тарғибот – ташвиқот ишларининг амалга оширилиши устидан назорат ўрнатади, тарғибот – ташвиқот ишларида гуруҳ аъзолари ҳам бевосита иштирок этади, тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликни ташкил қилади.